



## ЎЗБЕК ТИЛИГА АРАБ ВА ФОРС ТИЛЛАРИДАН ЎЗЛАШГАН ЛЕКСИК ДУБЛЕТЛАР ТАҲЛИЛИ

**Юсунов Отабек Якубович,**

*Самарқанд давлат чет тиллар институти катта ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** лексик дублетлар, синонимия, генерализация, специализация, метафоризация, метонимизация.

Ҳар бир соҳа терминологиясининг шаклланиш жараёни адабий тилга хос бўлган омонимия, синонимия ва бошқа хилдаги лексик-семантик кўринишлар билан боғлиқ ҳолда кечади. Лекин ушбу ҳолатлар ўзбек терминологиясининг барча соҳалари учун бир хилда эмас. Хусусан, ҳозирги ўзбек илмий техникавий терминологиясида авж олган салбий ходисалардан бири кўп шаклилилик - синонимиядир. Бунда биргина тушунчани ифодалаш учун турли сўз (ёки сўз бирикмалари) қўлланади.

Гарчи бундай ҳолат вақтинчалик бўлиб, терминларни тартибга солиш жараёнида бартараф этилса-да, аммо маълум давр давомида у терминлардан фойдаланишда турли қийинчиликлар ва чалкашликларни юзага келтириши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, терминологияда биргина тушунчани ифодалашда қўлланадиган турли терминларни қандай аташ масаласида мунозаралар ҳам мавжуд. Чунончи, баъзи тилшунослар терминологияда нейтраллик бўлишини ҳисобга олиб, бир тушунчани англатувчи турлича ифодаларни «дублет терминлар» деб аташса, бошқа бир қатор олимлар эса уни «синоним» деб ҳам аташ мумкинлигини қайд этганлар. Баъзи олимлар эса, терминологиядаги синонимлик умумадабий тилдагидан бирмунча фарқ қилишини ва шу боисдан ҳам уларни «дублет» деб айтаётганликларини қайд этганлар.

Тилшуносликда олимлар терминологияда синонимия ҳамда дублетлик ходисасини чуқур ўрганиб келмоқдалар. Синонимия ходисасининг терминологияда мавжудлигини инкор этмаган олимлар бу каби терминларни

«синоним», «вариант», «дублет» деб номлайдилар [5, 173].

Адабиётларда термин ясалиши икки жараён оралиғида юз бериши таъкидланади: 1) терминнинг ясалиши; 2) терминнинг қайта ясалиши [1, 17].

Термин ясалиши – маълум бир тушунча ёки жараён учун янги тил бирлигининг ҳосил қилиниши билан белгиланади. Терминнинг қайта ясалиши эса маълум терминга ўзлаштирувчи тил нуқтаи назаридан янги бир терминнинг тақдим қилиниши билан намоён бўлади. Улар илмий тилда «вариантдошлик», «дублет» каби терминлар билан аталади.

Дублетлар (fr. Doublet < double – иккили). Бир хил (тенг) семантик таркибга эга бўлган тил бирликлари. Мас., тилчи – тилшунос, адаб – одоб, арзийдиган – арзирли ва б. [9, 37].

Дублет (fr. Doublet < double – қўшалок, иккиланган, икки ҳисса) 1. Бирор нарсанинг иккинчи нусхаси; иккита бир хил, тенг қимматли нарсанинг бири. 2. Қимматбаҳо, нодир тошлар (буюмлар)нинг ясама, сохта нусхаси. 3. Тилда маъносига кўра айнан тенг келувчи ва бири иккинчиси ўрнига алмашилиб қўлланилиши мумкин бўлган сўз ва бошқа хил лисоний бирлик. Бироқ илмий матнда дублетларнинг уч-тўрттасини бирданига беришни меъёрий ҳолат деб қараш керак эмас. «ЎТА». Тилда синоним, дублет ва вариантларнинг қаватланиши ёки такрорланиши ортиқ информацияни вужудга келтиради. «ЎТА» [7, 654-655].

Умуман, нафақат терминологияда, ҳатто тилшуносликда ҳам синоним, «дублет» ва «вариантлилилик» каби тушунчаларнинг ўзига хос хусусиятлари аниқ белгиланмаган ҳолда уларни фарқлаш



масаласи ҳали тўлиқ ҳал этилмаган.

Ҳар бир тилда, жумладан, ўзбек тилида терминлар қуйидаги йўллар билан ҳосил бўлади:

1) ҳар бир халқнинг ўз тил бойлигидан, ундаги турли имкониятлардан фойдаланиш асосида: учбурчак, урғу, қўлёзма, эга, кесим, аниқловчи, қўшимча кабилар;

2) чет тилларда, айниқса, рус тили ва у орқали бошқа тиллардан тайёр терминларни қабул қилиш билан: плюс, фонема, биология, атлас, атом, грамм [6, 51].

Дублетлик масаласи ҳақида сўз кетганда, дублетларнинг ўзи синонимия ҳодисаси таркибида ўрганилишини қайд этиш жоиз. Адабиётларда келтирилишича, синонимлар семантикасининг бир хиллик даражасига кўра икки типга бўлинади. Булар: 1) абсолют синонимлар–дублетлар; 2) семантик синонимлар [4, 32].

Семантик синонимлар тўлиқлигича синонимия ҳодисасининг объектидир. Дублетлар эса семантик таркиби тўлалиги билан айнан бир хил бўлган бирдан ортик сўздир.

Дублетлар одатда бир маъноли сўзларда кузатилади. Масалан: тилшунос-лингвист, қарсақ-чапак ва шу кабилар. Бунинг устига дублетларнинг терминологияда мавжудлиги салбий ҳодиса бўлиб, бирдан ошиқ термин тил учун ортиқча ҳисобланади. “... термин фақат бир илмий-техник тушунчани англатиши, илмий-техник тушунчаларга эса фақат битта термин мувофиқ келиши лозим. Терминларнинг бир илмий-техник тушунчани ифодалаш учун ишлатиладиган турли синоним терминлар ножоиз ҳисобланади” –дея айтиб ўтилган [2, 15].

Умумий терминология тарихидан маълумки, маълум бир терминдан фойдаланишда қанчалик бир хилликка эътибор берилмасин, айти ҳолатда мазкур терминнинг тилда дублетидан ҳам фойдаланилади. Бу эса баъзи ҳолларда сиёсий-ижтимоий ҳамда тарихий шароитлар билан боғлиқ бўлса (масалан, илмий-техникавий, иқтисодий, дипломатик, санъат соҳаларининг

ривожланиши), баъзида эса тилларнинг ўзаро сўз алмашинуви натижаси ҳамдир. Бундай ҳолатдан иқтисодий терминология ҳам мустасно эмас. Айниқса, гап бир ўзакли тиллар ҳақида кетганда, дублетликнинг мавжудлиги терминологиянинг бу жиҳатига ҳам алоҳида урғу беришни талаб қилади. Шу жиҳатни инобатга олганда, форс, дарий ва тожик тиллари, уларнинг ҳар биридаги иқтисодий терминологиясидаги мавжуд дублетлик ва унинг деривацион ҳолатлари таҳлилга тортилади. Қолаверса, жамланган мисоллар ушбу пункт бўйича тадқиқотни талаб қилади.

Ҳ.Мирзаҳмедованинг таъкидлашича, Шарқда илмий-техниканинг ривожини натижасида кириб келаётган ўзлашмалардан тилни “тозалаш”, тилнинг софлигини сақлаб қолишга қаратилган “тил сиёсатлари” бошланиб, бунинг оқибатида Эронда уч бора “Тил академия”лари юзага келган. Тадқиқотчи ҳозирги кундаги форс тили терминологиясидаги дублетликнинг авж олишида ана шу академияларнинг сезиларли таъсири мавжудлигига урғу берган ва қуйидаги дублетлик қатламларини ажратиб кўрсатган:

1) ўз қатламга оид дублетлар;

2) ўзлашма қатламга оид дублетлар;

3) аралаш дублетлар [3, 17].

Араб ва форс тилларидан турли даврларда ўзбек тилига ўзлашган лексик дублетларнинг бирламчи ва кейинги ўзлаштирилган маънолари ўртасидаги фарқлар одатда маънонинг кенгайиш, торайиши, генерализация, специализация, метафоризация, метонимизация ва бошқа жараёнлар орқали юз бериши маълум бўлди.

Масалан: Форс тилидан ўзбек тилига қабул қилинган “бародар” сўзи фонетик жиҳатдан ҳам ўзгаришга учраб “биродар”га айланган. Маъносига кўра “ака” маъносидан кейинроқ, қамровлироқ, бунинг устига мавҳумроқ маъноли сўзга, аниқроғи “дўст”, “ўртоқ” маъносини ҳам ифода қила бошлади. Бу сўзда маъно кенгайиши ва мавҳумлашиши кузатилади.



"Мени қўйинглар, биродарлар,— деб жавоб бердим. — Келинг, энди бу ёғига адашсам, ўзим адашай, ўзим тузатай ва ўзим жавоб берай" [14, 6].

Араб тилидан кириб келган "абадан" сўзи ўзбек тилида унчалик кўп ишлатилмас-да, баъзида нутқда учраб туради. Унинг бирламчи маъноси "доим, ҳамма вақт" бўлган бўлса, кейинроқ семантик негативизация ҳолатини кузатамиз, яъни сўз бутунлай тескари маънони билдира бошлайди – "ҳеч қачон".

Шунингдек, араб тилидан кириб келган "абдол" сўзи бирламчи *валилар, авлиёлар* маъносида ўзбек тилига қабул қилинган эди. Кейинчалик эса, бу сўзнинг маъносида ҳам дисфемизм, яъни салбийлашув ҳолати кузатилди ва яқунда бу "қаландар, девона" маъноси пайдо бўлганлигини кузатиш мумкин.

Араб тилидаги "аблаҳ" сўзи ўзининг бирламчи маъноси "бемаъни, нодон" маъноларида қабул қилинган эди. Кейинроқ эса, худди шу сўз яна бир бошқа маънода "ўтакетган, қабиҳ, ярамас, разил" маъносида қайтадан қабул қилинди. Бу эса бу сўз маъносида градация ҳодисаси содир бўлганлигидан дарак бермоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, градация бу объектдаги белги ёки хоссанинг аста-секин кучайиб бориши деганидир. Масалан:

Тилингни сақла, бадгўйликка одат қилма, эй аблаҳ,

На билдинг, модарим дарвешалардан ёки ғардандур [8, 221].

Аблаҳ одам экансан [11, 35].

Араб тилидаги "иблис" сўзи даставвал "ноумид, иблис, шайтон" маъноларида ўзбек тилига ўзлаштирилган. Аммо кейинроқ, худди шу сўзнинг "алдоқчи, ҳийлагар, ярамас" маънолари ҳам кириб келди ва лексик дублетни ташкил қилди. Бу ерда маъно кўламнинг кенгайиши кузатилмоқда.

Форс тилидан ўзлаштирилган "оташин" сўзи бирламчи маъно "оташин, ўтли, алангали, ёлқин" маъноларида қабул қилинган эди. Кейинчалик, бу сўз юқоридаги маънолари камлик қилгандек, яна бир қатор маъноларни ўзлаштирдик, булар бирламчи маънолар билан

биргаликда сўз лексик дублетини ҳосил қилди. Пайдо бўлган янги маънолар қуйидагилар эди: "ўтдай қизил, қизиққон, жаҳли тез, сержаҳл". Кўриниб турибдики, бирламчи маънолар кўпроқ мавҳум маънолар бўлса, иккиламчи маънолар эса, конкретроқ, инсоннинг характерини билдирувчи сўзга айлангани кўриниб қолди. "ўта қизил" (юзи); "қизиққон" (характер, темпераменти); *жаҳли тез* (февъли ёмон); *сержаҳл* (асабийроқ) ва ҳ.к. бу ерда конкретлаштириш, спецификация кузатилмоқда.

Араб тилидаги "иттифоқ" сўзининг бирламчи ва иккиламчи ҳосилавий маънолари ўртасидаги фарқ унча катта бўлмай унда биз иш-ҳаракат – натижа алоқасини кўрамиз, яъни агар одамлар бир фикрга кела олишса, улар *иноқ, аҳил* бўладилар.

Араб тилидаги "иттифоқан" сўзининг ўзбек тилига ўзлаштирилган бирламчи маъноси "тотув, иноқ, ҳамжиҳат" бўлса, кейинчалик худди шу сўзнинг "тасодифан, қутилмаганда, тўсатдан" маънолари пайдо бўлди ва ривожланди. Бу сўзнинг бирламчи ва иккиламчи маънолари ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ, ҳеч қандай яқинлик йўқ. Бу ерда комплементар дистрибуцияни кузатишимиз мумкин.

Араб тилидан ўзлаштирилган "асно" сўзи "вақт оралиғи" маъносида ўзбек тилига келган бўлса, кейинроқ "шу пайт, айни вақтда, фурсат" маънолари пайдо бўлиб, лексик дублетни пайдо қилди. Бу дублет элементлари ўртасидаги семантик муносабатни биз конкретизация, спецификация деб аташимиз мумкин.

Араб тилидаги "ихтимол" сўзи ўзбек тилига бирламчи маъносида, яъни: "эхтимол, рўёбга чиқиши, амалга ошиши, юз бериши имконияти мумкинлиги" маъносида бўлса, кейинроқ бу маъно содалашди ва "балки, бўлиши мумкин" шаклини олди.

Араб тилидаги "ихром" сўзининг ўзбек тилига кириши ва ундаги шакл ва маънонинг ўзгариши лексик дублетларга берган таърифларга тўлиқ мос тушади, чунки бунда фонетик ўзгариш ҳам жой олган (*ихром* > *эхром*). Бу сўзнинг бирламчи



маъноси “*Ҳарамга кириш, ўзи учун бирор нарсани ҳаром қилиш*” бўлса, сўзнинг иккиламчи маъноси биринчисидан бироз фарқ қилади. “*Пирамида шаклидаги иншоот, эҳром*”. Бу ерда маъно конкретизацияси амалга ошмоқда.

Араб тилидаги “*ихсон*” сўзида ҳам деярли шу жараён такрорланган, унда маъно умумийликдан хусусийлик томон силжиган. Аниқроғи – “*и*” унлиси “*э*” га ўзгарган ва “бирор кимсага умуман эҳсон, яхшилик қилиш, бирор нарсани бағишлаш, ҳадя этиш маъноси, инъом қилиш маъносида торайиш содир бўлади ва биз фақат худо йўлига, оллоҳ йўлига қилинадиган *хайр-эҳсонни* билдирувчи сўз пайдо бўлганини қайд этишимиз мумкин.

Ҳамда ҳар ойдаги *эҳсонларни* жамлаб, хоҳ оз, хоҳ кўп бу етим болаларин мактаб мудирига берсалар, нақадар болаларни илму маърифатга етишмоқига энг биринчи шафқатлу ота-оналаридан бўлур эдилар [8, 252].

Юқоридаги муаммоларни кўриб чиққанлар биринчи сўзларнинг маъноси йўқ бўлиб кетибди деб асло тушунмаслиги керак, чунки иккинчи маънони пайдо бўлиши биринчи маънонинг йўқ бўлишини тақозо этмайди, балки сўзнинг семантик структурасини яна бир семантик компонент билан тўлдиради, холос. Шунинг учун айрим ҳолатларда биринчи ва иккинчи гуруҳ маънолар, аниқроғи бирламчи ва иккиламчи маънолар ўртасида фарқ катта бўлса, айримларида бу нарса у қадар катта эмас. Худди шу ҳолатдан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, нутқда баъзан сўзнинг бирламчи маъноси, бошқа сафар эса иккиламчи маъноси функционал жиҳатдан фаол бўлиши мумкин, аниқроғи кўпроқ ишлатилиши мумкин.

Масалан, араб тилидан кириб келган “*аҳвол*” сўзининг бирламчи маъноси “*ҳолат, мавжуд, ёки юз берган ҳол, вазият*” бўлиб, кейинги ривожланган маъноси “*кайфият, авзо*”дир. Бу жуфтликда иккинчи маънолар нисбатан камроқ ишлатилади. Маъно жиҳатдан олсак, биринчидан умумий жисмоний, рухий ҳолат эътиборга олинган бўлса, иккинчи вариантда фақат, рухий-

психологик ҳолат, қисқа пайтлик ҳолат эътиборга олинган.

“*меҳнат интизомини қаттиқ назорат қила бошладик; ётоқлардаги аҳвол билан шуғулландик;*” [14, 6].

Охирғи хатми қуръон кечи Муҳаммад Ражаббек Анвардан *аҳвол* сўради [11, 26].

Араб тилидаги “*жасад*” сўзи бирламчи маъноси “*гавда, жисм, жусса*” маъносида ўзбек тилига кириб келган эди. Лекин кейинроқ худди шу сўз “*ўлик, мурда*” маъносида яна қайтадан қабул қилинди ва лексик дублетни пайдо қилди.

«Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқумок, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз *жасад* лозимдур» [8, 177].

Шом қоронғисида унинг *жасадини* қизил кўрпага ўраб аравага солишди. Шамол ҳамон гувиллар, яйдоқ дарахтларнинг шоҳида чийиллар, ғувиллар эди [10, 4].

Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик, ҳақиқий ўлик, сап-сарик тери-ю суякдан иборат бўлган *мурда* ичига ботиб кетган кўзларини катта очиб ётар эди [10, 58].

Бу ерда сўзнинг маъносида салбийлашув жараёни кучайиб, салбий маъно устун келди, деб ҳам айтиш мумкин.

Форс тилидан ўзлаштирилган “*дард*” сўзида эса, бу жараённинг аксини кузатишимиз мумкин. Бунда биз жисмоний азобдан рухий, ҳиссий азобга кўчишини кўрамиз. Яъни бирламчи *дард, касаллик, хасталик, оғриқ, қайғу, кулфатдан*”, “*ишқ, севги*” томон семантик силжиш кузатилади ва лексик дублет пайдо бўлади.

Тарихнинг бизга хабар беришига қарағанда Мадалихон шу қизнинг *дардида* неча йиллар ёнадир [11, 4].

Дили тиғи ситамдин пора бўлғон халқни кўрдум,

Тани *дарду аламдин* ёра бўлғон халқни кўрдум [13, 10].

То кишига *дард* тегмай бўлмади бағри кабоб,

Дилда *дардинг* бўлмаса *дарди* саримни кавлама [13, 38].



Араб тилидан ўзлаштирилган “тақдир” сўзининг бирламчи маъноси “бирор нарсанинг ўлчовини олмақ, қиёсини олмақ” эди. Кейинроқ эса маъно мавҳумлашиб инсонларнинг тақдири, қисмати ва насибасини билишга ўринишни билдирувчи сўзга айланиб қолди.

Тўйнинг кейинга силтаниши эса, тақдир иши [11, 110].

Аям Қўқоннинг ёнгинасидаги Охунқайнар қишлоғида туғилиб ўсган, сўнг тақдир тақозоси билан аввал Қўқонга, кейин Тошкентга келиб қолган [14, 12].

Яна бир қизиқ тақдирга эга бўлган лексик дублетлардан бири форс тилидан ўзлаштирилган “ошкора” сўзи бўлиб, у сўз бирламчи ўзлаштирилганда “ошқор, ҳаммага маълум, кўриниб турган, аён, очиқ-ойдин” деган маъноларни англатган. Кейинроқ, бу сўзга яна мурожаат қилинди ва “яширмасдан, рўй-рост” деган маънолари ўзлаштирилди.

Бу ерда иш-ҳаракат бажарилиш тарзи тўлиқ тафсилотлари билан берилмоқда, аниқроқ айтсак, детализация қилинмоқда.

Имо-ишоратни қўйиб, бизга келиб ошкора айтсанг бўлмасму эди? [12, 8].

Зарраи нури куёшдек бу жаҳон ичра тамом,

Ошқоро бўлмаса, сирри нҳонни на қилай?! [13, 71].

Ўзбек тили генетик жиҳатдан Олтой тиллар оиласининг туркий тиллар гуруҳига кирса ҳам, у луғат таркибининг шаклланиши, ривожланиши ва функционал кўламида рўй берадиган турли жараёнларнинг умумийлиги билан бошқа тил оилалар тиллари, аниқроғи, семит тиллар оиласига кирувчи араб тили ва

ҳинд-европа тиллар оиласига кирувчи форс тили билан алоқадорлик ҳолати биз кутгандан ҳам жипсроқ эканлиги маълум бўлди. Лексик дублетлар мана шу уч тил оиласига мансуб тиллар оиласи орасида доимий алоқалар бўлиши, олди-берди, сўз ўзлаштириш жараёнлари ҳамон ҳам тўхтамаганлигидан, сўз яшаш механизмлари учун жуда катта потенциал берганки, бу потенциал ҳозирда ҳалигача янги ҳосилалар бераётганлигини кўрсатди.

Лексик дублетлар ўзбек тилида асосан ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида шаклланди. Ўзбек тилига асосан иккита катта манбадан ўзлаштирилган сўзлар манба бўлиб хизмат қилди. Булар араб ва форс тилларидир. Ҳар икки тилдан сўзлар ўзлаштирилишига лингвомаданий омиллар сабабчи бўлди. VII-X асрлардаги араблар ва XI-XVI асрлардаги форслар, ижтимоий маданий жиҳатдан бир неча аср аввал кўчманчи бўлган ва эндигина ўтроқлашган туркийларга қараганда анча маданийлашганлиги шубҳасиздир. Араб ва форслардаги диний, сиёсий ва маданий, иқтисодий тузум, шаҳар, давлат қурилиш соҳасидаги ютуқларини кўрган туркий халқлар бу тушунчаларни билдирувчи сўзларни у тиллардан ўзлаштиради. Агар у сўзлар ўзларида аввалдан бўлса янги ўзлаштирилган ва туб сўзлар ўртасида семантик дифференциация ривожланди.

Ўзга тиллардан сўз ўзлаштириш семантик жиҳатдан категоризацияга учраганлиги тилнинг чекланмаган микдорда сўз ўзлаштиришга имкон яратди. Чунки бунда иккита тилдан бир хил маънони билдирувчи иккита сўзни ўзлаштириш каби ортиқча жараёнларнинг олдини олди.

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминообразования: Учеб. пособие по спецкурсу. –П.: Перм. ун-т, 1998. — 250 с.
2. Даниленко В.П. Лингвистический аспект стандартизации терминологии. – М.: Наука, 1993. — 126 с.
3. Мирзахмедова Ҳ.В. Форс тили транспорт терминларининг структур қатламлари ва ясаиш усуллари: Филол. фан. фалс. док. (PhD)... дисс. –Т., 2017. – 141 б.



4. Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Т.: ЎЗМУ, 2000. – 424 б.
5. Татаринов В.А. Общее терминоведение. Энциклопедический словарь. – М.: Московский Лицей, 2006. – С. 173.
6. Шарипов Ў., Йўлдошев И. Тилшунослик асослари. – Тошкент: 2006. – 231 б.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: - Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти, 2006. – 655 б.
8. Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. -Тошкент: «Маънавият». 2004. – 464 б.
9. Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2002. – 132 б.

#### Бадий адабиётлар:

10. Абдулла Қаҳҳор. Даҳшат (ҳикоялар тўплами). [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
11. Абдулла Қодирий. Меҳробдан чаён. –Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти 1994. – 174 б.
12. Асқад Мухтор. Инсонга қуллуқ қиладурмен. Ҳикоялар. – Т.: 2008. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
13. Машраб. Девон. Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. - Тошкент: 1980. – 174 б.
14. Шарафиддинов О. Эътиқодимни нега ўзгартирдим? «Тафаккур» журнали. 1997 йил, 10-сон. – 96 б.

*Юсупов О. Семантические изменения лексических дублетов, заимствованных в узбекский язык с арабского и персидского языков. В данной статье рассматриваются вопросы, связанные с ролью и значимостью дублетического и синонимического процесса в лингвистике, с дублетической задачей, также с образованием в языке терминов и развитием терминологии. Эти задачи изучены и проанализированы на основе ряда примеров лексических дублетов, заимствованных из арабского и персидского в узбекский язык, то есть вместе с наблюдением и изучением использования узбекскими авторами лексических дублетов в классической литературе и литературе XX века, в статье рассматриваются отрывки из произведений в качестве ярких примеров лексических дублетов в узбекском языке.*

*Yusupov O. Semantic changes of lexical doublets in the Uzbek language derived from the Arabic and Persian languages. In this article there are analyzed problems associated with the role of doublets and synonymous processes in linguistics, the formation of terms within a language and development of the branch of terminology. These issues are deeply studied on the basis of a range of examples of lexical doublets derived into Uzbek from the Arabic and Persian languages, namely altogether observing and studying the application lexical doublets in classic literature and the literature of the twentieth century by Uzbek authors, there are given extracts from some works: novels, stories, poems, as clear examples of lexical doublets in the Uzbek language.*